



Шахсий намуна
одамларни эргаширади,
ишонч ва куч беради

2-с.

Кўклам нафаси
қадриятларга кўркамлик
бахш этипти

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
26 МАРТ,
ЧОРШАНБА

MaHalla

№25
(2249)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ХАР БИР ЖАРАЁН
РАИС НАЗОРА-
ТИДАН ЧЕТДА
БЎЛМАСЛИГИ
ЗАРУР

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси раиси
Қаҳрамон Қуронбоев
Қорақалпоғистон
Республикаси
маҳаллаларида бўлиб,
“еттилик” фаолиятини
ўрганди.



Дастлаб ҳудуддаги Уюш-
манинг барча туман ва шаҳар
бўлимлари раҳбарлари, ҳам-
кор ташкилотлар масъул хо-
димлари билан очиқ мулоқот
ўтказилди. Мулоқотда “оғир”
 (“қизил”) тоифага киритилган
ҳудуддаги 96 та маҳаллада
ҳамда криминоген вазияти
оғир бўлган 83 та маҳаллада
бугунги кунга қадар амалга
оширилган ишлар ҳамда би-
риктирилган раҳбарлар ҳал
этаётган муаммолар юзасидан
ўрганишлар олиб борилиши
таъкидланди.

Икки кун давомида Рес-
публика кесимида туман ва
шаҳарларга борилиб, йиғин-
ларда фаолият юритаётган
“Маҳалла сервис компания-
си” ҳамда “еттилик” фаолияти
билан атрофлича танишилди.
Аҳоли муаммолари, томорқа-
дан самарали фойдаланиш,
“Яшил макон” лойиҳаси, “Обод
хонадон”, “Обод кўча”, “Обод
маҳалла” мезонлари юзасидан
амалга оширилаётган ишлар
кўздан кечирилди.

(Давоми 2-саҳифада).



МУНОСАБАТ

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ТАШАББУСДА ЕТАКЧИ, ИСЛОҲОТГА КЎМАКЧИДИР

Президент Шавкат Мирзиёев Бектемир туманига ташрифи чоғида маҳалламизда бўлиб,
байрам сайлида қатнашди, одамлар билан мулоқотда бўлди

Давлатимиз
раҳба-
рининг
маҳалла-
ларга меҳри
бўлакча. Қайси мавзуда
йиғилиш ўтказмасин,
қайси ҳудудга борма-
син, ишларни маҳалла
даражасида ташкил
этиш зарурлигини айта-

Президент ташрифи
давомида ислохотларда
“маҳалла еттилиги”
ташаббускор бўлиши,
аҳоли даромади ортиб,
маҳаллалар обод масканга
айланиши лозимлигига
урғу қаратилди.

ди. Раҳбарларга ўзлари
намуна бўлиб, ташриф
билан қайси ҳудудга
бормасин, албатта,
маҳалла миқёсида
амалга оширилаётган
ишларни кўздан кечи-
ради, таклиф ва тавси-
яларни беради. Бу гал
ҳам шундай бўлди.
Хизмат кўрсатиш ва

савдога ихтисослашган
маҳалламизда 4 минг
нафар аҳоли яшайди.
Бандликни таъминлаш
бўйича янги тизимга
мувофиқ, банклар
иштирокида ички имко-
ниятлар юзгага чиқа-
рилмоқда. Ўтган йили
юзга яқин аҳоли ишга
жойлаштирилди.

256 нафари ўзини
ўзи банд қилди, 13 на-
фари тadbirkorлик
фаолиятини бошлади.
Иккита ишлаб чиқариш
корхонаси, ўнлаб савдо
ва маиший хизмат шо-
хобчалари одамларга
қулайлик яратмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

БУГУНГИ
СОНДА:

“Ташвиш тугмаси”
туфайли оиладаги
ташвишлар
тугатиляпти

Хар бир профилактика
инспектори аҳоли билан
доимий мулоқотда бўлиб,
уларга телефон рақамини
бериб, мунтазам ҳуқуқий
тарғибот ишларини олиб
борса, маҳаллани жиноятчи-
ликдан холи ҳудудга айлан-
тириш мумкин. Бу борада
хизмат уйлари зарур.

5-с.

Мигрантларнинг
ҳақиқий даромади
инобатга олинса...

Турмуш ўртоғи Европа ва
бошқа ривожланган мам-
лакатларда ишлаб, яхши
пул топаётган бўлишига
қарамай, аёлга болалар на-
фақаси берилаётгани аҳоли
орасида бироз норозилик
кайфиятини туғдираётгани
бор гап. Мигрантларнинг
Ижтимоий реестрдаги да-
ромадларини белгилаш бў-
йича янги меъёрлар ишлаб
чиқилса...

6-с.

Барча ҳужжатлар
электрон шаклда
юритилса...

“Хотин-қизлар фаолидан
маҳалладаги барча керакли
маълумотларни электрон
платформага киритиш
билан бирга, қоғоз шаклини
ҳам юритиши талаб этил-
моқда. Ишимизни бироз
енгиллаштириш мақсадида
тизимни фақат компьютер
кўринишида олиб боришни
таклиф қилмоқчиман. Бу
вақт ва юкламани камайти-
ради...”

7-с.

ЭЪТИРОФ

Ободлик танловининг ғолиблари аниқланди

“Обод хонадон”, “Обод
кўча”, “Обод маҳалла”
танловининг республика
босқичи ғолиблари
аниқланди.

Айтиш керакки, танлов тўрт
босқичда ташкил этилиб,
унинг куйи босқичлари март
ойи давомида маҳаллаларда, туман
ва шаҳарларда, вилоятларда ўтка-
зилди.

Якуний натижаларга кўра:
“Обод хонадон” номинацияси
бўйича:

1-ўрин — Олтиариқ туманидаги
“Азимобод” маҳалласида яшовчи
Худойберди Қодиров хонадони (куёш
панели ўрнатиб берилади);

2-ўрин — Избоскан туманидаги
“Гулистон” маҳалласида яшовчи
Шаҳобиддин Хўжаев хонадони (ош-
хона мебеллари тўплами);

3-ўрин — Норин туманидаги
“Учтепа” маҳалласида яшовчи Соли-
жон Рустамов хонадони (қир ювиш
машинаси).



“Обод кўча” номинацияси
бўйича:

1-ўрин — Узун туманидаги
“Янги Рўзғор” маҳалласи Шоқиржон
Раҳимов кўчаси кўчабошичи Ўткир
Раҳимов (куёш панели);

2-ўрин — Нурота туманидаги
“Сентоб” маҳалласи Сентоб кўчаси
кўчабошичи Аҳам Араббоев (муз-
латгич);

3-ўрин — Урганч туманидаги “Оёқ
боғ” маҳалласи Орам кўчаси кўчабо-
шичи Эргаш Ҳайитбоев (телевизор).

“Обод маҳалла” номинацияси
бўйича:

1-ўрин — Нукус туманидаги
“Дийхан арна” маҳалласи раиси Ма-
рат Аминов (куёш панели ўрнатиб
берилади);

2-ўрин — Қорақўл туманидаги
“Полвонлар” маҳалласи раиси Ма-
лика Ражабова (маҳалла идорасига
мебеллар тўплами);

3-ўрин — Косон туманидаги
“Эсабой” маҳалласи раиси Нурилло
Одилов (скутер) ғолиб бўлди.



СУЗИШ
СОҒЛИК УЧУН
САМАРАЛИ
“ДОРИ” ДИР

8-с.



ТАЗЙИҚ ВА
ЗЎРАВОНЛИК —
БАРЧАМИЗНИНГ
ОҒРИҚЛИ
НУҚТАМИЗ

7-с.



Президент Шавкат Мирзиёев ИФТОРЛИК тадбирида иштирок этди. Унда 60 минг нафарга яқин киши қатнашди.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИга кўра, Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита ташкил этилади.



Президент фармони билан мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги ходимлар Кўп йиллик хизмати учун рағбатлантирилади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Бахтиёр РАСУЛОВ.
Фарғона вилояти:

— Жорий йил бўлиб ўтадиган маҳалла раислари сайловида ўз номзодимни қўймоқчиман. Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?

РАИСЛИККА НОМЗОДНИ КИМ КЎРСАТАДИ?

Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ходими:

— “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига асосан, маҳалла раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда, ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камидан ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга номзодларнинг ёзма розилиги илова қилинади.

Туман ёки шаҳар ҳокими номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асослантирилган хулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топириш учун тегишли комиссияларга юборади. Ишчи гуруҳ ҳоким хулосасини олганидан кейин номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камидан беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўяди.



УЮШМА КУНДАЛИГИ



Ҳар бир жараён раис назоратидан четда бўлмаслиги зарур

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

Уюшма раиси Қораўзак туманидаги “Маданият” маҳалласида истиқомат қилувчи Генжамурод Турдимуродов хонадониди бўлди. Утган мавсумда 100 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилган бу меҳнатсевар инсоннинг уйда томорқадан фойдаланиш маданияти бўйича ўқув марказ ташкил этилган.

Ўрганишлар Тахтакўпир ва Чимбой туманларида давом этди. Хусусан, Чимбой туманидаги “Тазғара овул” фуқаролар йиғини мисолида “еттилик” фаолияти билан танишилди. Бу ерда, асосан, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда томорқадан тўғри фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хонадонларнинг ўзиди етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қаҳрамон Куронбоев Нукус шаҳридаги маҳалла раислари билан очиқ мулоқот ўтказди. Уларнинг фаолияти давомида қийнаётган муаммолари тингланди, тақлифлари қўллаб-қувватланди. “Маҳалла еттилиги”нинг ишга келиб кетиши бўйича уларнинг юқори турувчи ташкилотлари раҳбарлари танқид қилинди. Ҳар бир “еттилик” аъзоси эрта тонгдан иш фаолиятини маҳалладан бошлаши зарурлиги таъкидланди.

Энг асосий бўлган йўналишлар — маҳалла ободлиги, кўчалар тозаллиги, хонадон олдига манзарали кўчатлар экиш юзасидан маҳалла раисларига тегишли кўрсатмалар берилди. “Маҳалла еттилиги”га бириктирилган кўчалар

ободлигига ҳар бир ходимнинг ўзи жавобгар экани уқтирилди.

Маҳалла раислари билан очиқ мулоқот давомида йиғинлар ҳудудидида содир бўлаётган жиноatchилик, камбағалликни камайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш ҳамда ишсизликни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу йўналишларда самарали ишлаш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланди. Маҳалла раиси ҳудуд раҳбари сифатида ҳар бир жараёни назорат қилиши зарурлиги таъкидланди.

Мулоқот сўнггида раислар билан бирга 15 апрелга қадар Нукус шаҳрини “Обод шаҳар” деб эълон қилишга келишиб олинди. Энг намунали, деб топилган маҳалла раисларига оиласи билан биргаликда санаторийга йўлланма берилади.

Нукус шаҳридаги “Тинчлик”, “Бўз овул”, “Таслак”



йиғинларида аҳолининг яшаш шароити, томорқадан унумли фойдаланиши, “еттилик” фаолияти кўздан кечирилди.

Хусусан, “Тинчлик” маҳалласида яшовчи Утембай ота хонадонидидаги иссиқхона, товуклар парвариши катта таассурот қолдирди. “Бўз овул” маҳалласидаги Қулибике опа хонадонидида кўзқорин етиштирилаётгани, тиббиёт хизматлари маҳаллада йўлга қўйилгани бугунги ислохотларнинг мевасидир. “Таслак” маҳалласидаги маҳалла боғи, “еттилик” аъзоларига яратилган шароитлар, маҳалла биносидидаги мавжуд инфратузилма ўрганилди.

Нукус туманидаги “Дийқан арна” маҳалласининг ўзига хос тажрибаси билан танишилди. Ушбу маҳаллада БМТнинг Тараққиёт дастури гранти асосида аҳолини асарчиликка ўқитиш ҳамда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жараёнда “еттилик” фаолиятига назар ташланди, улар билан суҳбатлашиб, тақлифлари эшитилди. Шунингдек, “Маҳалла сервис компанияси” фаолияти таҳлил қилинди.

МУНОСАБАТ

“Маҳалла еттилиги” ташаббусда етакчи, ислохотга кўмакчидир



Давом. Бошланиши 1-саҳифада.

Саноат МАМАТОВА,
Бектемир туманидаги “Роҳат” маҳалласи раиси.

Маҳаллада кўчалар обод, хонадонлар саранжом-саришта. Таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари, ўқув маркази, амфитеатр, хунармандлар ва ахборот-кутубхона марказлари фаолият юритмоқда. Ҳозир, айниқса, нуронийлар маскани гавжум. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида ушбу масканда ташкил этилган сумалак сайлида қатнашди, маҳалла фаоллари, нуронийлар билан салимий суҳбатлашди. Мулоқотда жорий йилги режалар, жумладан, тинчлик-осойишталикни сақлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳақида сўз юритилди.

— Маҳаллангиздаги ободлиқни, одамларнинг кайфиятини кўриб, мамнун бўлдим. Вақти билан барча туманлардаги имкони-ятларни оширамиз. Бунинг учун энг асосийси — тинчлик-аҳиллик керак. Илгари чегараларимизда вазият қандай эди? Вазминлик билан, сиёсий ирода билан ҳамма масалаларга ечим топаёلمиз. Барча ишларни қуйи тизимда ташкил қилганимиз учун 10 мингга яқин маҳалланинг ҳолати яққол намоён. “Маҳалла еттилиги” орқали хонадонга етиб борилаёпти. Одамларнинг даро-

мадини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ёшлар сиёсатида ҳали ишларимиз кўп. Шунинг учун таълимга, ўғил-қизларни ўқи-тишга катта эътибор беришимиз керак. Ёшлари билимли ва маънавиятли жамият, албатта, фаровонликка эришди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мулоқотда маҳаллаларда кўпни кўрган нуронийлар, зиёлилар, кўчабоши ва уйбошилар, жамоатчилик тузилмалари вакиллари ҳамжиҳатликда ишни ташкил этиши зарурлиги қайд этилди. Ёшлар тарбиясида ҳар бир киши масъулиятни ҳис этиши кераклиги айтилди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев ташриф давомида бугунги ислохотларда “маҳалла еттилиги” ташаббускор бўлиши, аҳоли даромади ортиб, маҳаллалар обод масканга айланиши лозимлигига урғу қаратади. Бундан тўғри хулоса чиқариб, энди маррани янада баланд оламиз. Ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, керак бўлса, ҳар бир фуқаро билан индидуал ишлаб, уларнинг дардини аритишга, муаммоларига ечим топишга, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларга кўмакдош бўлишга интиламиз. Ҳар қандай масала маҳалланинг ўзидида ҳал бўлишига эътибор қаратамиз.

Аслида, бугун маҳалла фаолларидан талаб этилаётган вазифа ҳам шу — ҳеч ким эътибордан четда эканини ҳис қилмасин, муаммоси билан ўзи ёлғиз қолмасин, маҳалланинг, давлатнинг маддини ҳар лаҳза ҳис этиб турсин.

ТАЖРИБА

Шахсий намуна одамларни эргаштиради, ишонч ва куч беради

Маҳалла раиси, деганда, кўз ўнгимда ҳар жиҳатдан халққа йўлбошчи бўла оладиган шахс гавдаланади. У вақти келса, қаттиққўллик қилиши, ўрнида ғамхўрлик кўрсатишни билиши зарур. Энг муҳим жиҳатлардан бири эса раҳбар сифатида шахсий намуна кўрсатишидир. Шу маънода мен ҳам халқ қаршисига чиқиб, уни тадбиркорликка ёки деҳқончиликнинг қайсидир йўналишига даъват қилишдан аввал бу амалиётни ўзим синаб қўраман.



Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Мингбулоқ туманидаги “Қирқчек” маҳалласи раиси.

Ҳудудимиз, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик йўналишига ихтисослашгани боис одамларга кўпроқ нафи тегадиган тавсиялар беришга ҳаракат қиламан. Бундан икки йил аввал тажриба сифатида бир гектар майдонга эртапишар тарвуз навларини экиб кўрдим. Натижа ёмон бўлмади, соф фойдамиз 65 миллион сўмдан ошди. Шундан сўнг юрагидида ўти бор ака-укаларни юнимизга олиб, бу экин ортидан катта даромадга эришиш сир-асрорларини ўргатишни бошладик. Айни вақтда 10

киши тарвуз етиштириш билан шуғулланиб, барака топяпти. Февралнинг охириларидан махсус идишларга қадалган тарвуз уруғлари бир ой давомида иссиқхонада парваришланади. Униб, кўчат ҳолатига келгач, даладаги эгма симлар устидан тортилган “плёнка” остига экилади. Карови яхши бўлса, 30-35 кунда кўчат пушталарни эгаллайдиган ҳолатга етади. Турли касалликларга қарши сепилган дорилар ва ҳосилдорликни ошириш учун берилган витаминлар экинни янада ривожлантиради. Қараб-сизки, 10 июндан бошлаб қўлингизга пул тушишни бошлайди.

Маҳалладошимиз Элбек Нуриддинов энди 23 ёшни қарши-лашига қарамай, уста деҳқонлар сафига қира олган. У ҳам тарвуз етиштиришнинг ҳадисини олиб, ўтган йили катта натижаларга эришди. Қилинган даромад эвазига уй-жойини таъмирдан чиқарди, янги автомашина харид қилди. Қолаверса, бўш вақтида ўз устиди ишлаб, талаба бўлиш бахтига эришди. Бу йил

янада кўпроқ режаларини амалга ошириш мақсадида олти гектар майдонда деҳқончилик қилмоқчи. Бундай қизиқиши баланд, интилувчан ёшлардан ҳеч қачон ёрдамимизни аямаймиз. Қандай маслаҳат ва йўл-йўриқ керак бўлса, беминнат кўрсатиб келяпмиз.

Жорий йилда ҳам олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Эрта баҳор томоркамга янги “аватар” номли бир йиллик узум кўчатларини экдим. Айтишларича, унинг мазаси ва кўриниши бошқа навларникидан бутунлай фарқ қилади. Доналари йирик ва ширага тўла бўлгани боис экспорт-боп тур қийинланади. Яна икки йилдан сўнг нишона беришни бошлайди. Аҳоли томорқа майдонлари 10-20 сотихдан иборат эканини эътиборга олиб, кейинги йилдан ҳар бир хонадонга шу узум навларини экишни йўлга қўймоқчимиз. Шу тарзда “Олтиариқ тажрибаси” асосида узумчиликни ривожлантираамиз ҳамда халқнинг фаровон турмуш кечирishiга эришамиз.





Президент топириғига мувофиқ, Наврӯз байрами ва Рамазон ҳайити муносабати билан Афғонистонга қарийб 200 тонна ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ юборилди.



Тошкентда Марказий Осиё тарихида илк бор 180 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚнинг 150-ассамблеяси бўлиб ўтади.



“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” лойиҳаси якунига кўра, ғолиб бўлган 2 369 та лойиҳага 3,2 триллион сўм маблағ ажратилади.

Mahalla

№25 | 2025 йил 26 март, Чоршанба

3

ТАШАББУС

КЎКЛАМ НАФАСИ ҚАДРИЯТЛАРГА КЎРКАМЛИК БАХШ ЭТАПТИ

Хоразмда одатда кўклам нафаси бироз кечроқ сезилади. Аммо бу йилги баҳор кўҳна диёрга ўзгача шукуҳ билан кириб келди. Бугун маҳалламизда баҳорий, байрамона кайфият ҳукмрон. Кайвони онахонлар дошқозонларда сумалаклар пишириб, куй-қўшиқ, ўлан-лапарлар куйлашяпти. Кексалар дуога қўл очиб, эл-юрт тинчлиги, ислохотлар бардавомлигини тилашмоқда.

Ойбиби ОРТИҚОВА, Қўшқўпир туманидаги “Қадрият” маҳалласи раиси.

Фаолиятимнинг дастлабки йилларидаёқ намунали, тажрибали, сўзи ўткир, оиласи тинч бўлган нуроний отахон ва онахонлар иштирокида “Маслаҳат кенгаши” тузганман. Бугун ҳар бир ишни ушбу кенгаш аъзолари маслаҳати билан амалга оширамиз. Уч йилдирки,

фойдаланишга топширдик. Ёзда чанг, кишда лой бўладиган кўчаларимизнинг 15 километри асфальтланиб, 9 километр қисмига тош ва қум-шағал ётқизилди. Бу ишларда аҳоли бош ташаббускор бўлиб, ўзлари қўшимча 2 километр йўлни ҳашар орқали шағаллаштирди. 480 хонадонга ичимлик сув тортилди. 40 та хонадонга табиий газ уланди.

Маҳалланинг Қадрият, Ватанпарвар, Намуна, Юксалиш кўчаларига 4 та қўшимча трансформатор, 2,3 километр янги электр узатиш тармоғи, 45 та темир-бетон устун ўрнатилиб, электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Ободлик бор ерда кут-барак, фаровонлик бўлади, дейди халқимиз.



маҳаллада жиноятчилик, оилавий ажралиш қайд этилмади. Бунинг асл сабаби, халқимиз билан “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро маслаҳатлашиб, иш олиб боришидир.

Маҳалладаги ҳар бир хонадонни ўрганиб, уларни тоифага ажратиб олганмиз. Уларга тоифасига қараб, зарур ёрдамлар берилади. Айниқса, энг оғир касаллиги бўлган 6 та хонадондан тез-тез хабар олиб, моддий ёрдам бериб тураман. Бу жараёнда саховатпеша маҳалладошларимиз яқиндан кўмаклашяпти. 80 ёшдан ошган 19 нафар онахон ва отахонни ҳар байрамда йўқлаб, совға-саломлар улашиб турамиз.

Юртимизнинг барча ҳудудлари каби “Қадрият” маҳалласида ҳам бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари давом этапти. Энг оғирлиги нуктамиз – “Зей-ёп” каналдан ўтган икки кўчани тўтатиш ишлари таъмирталаб катта кўприкни ҳомийлар ва маҳалла аҳолиси кўмағида 350 миллион сўмга қайта қуриб, олти ойда

Қадриятликлар ҳам ҳудуддаги ўзгаришлардан руҳланиб, маҳаллани янада обод манзилга айлантириш учун ҳаракат қиляпти. Маҳалла номига монанд бу ерда одамларни ҳамжиҳатликка ундовчи қадим қадриятлар қарор топган. Айни кунларда “Долзарб бир ойлик” тадбирлари доирасида ҳашарлар ўтказилиб, экин-тикин, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этиляпти. Ҳар бир хонадон, кўча ободонлаштириляпти. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, турли хил ниҳоллар экилмоқда. Ариқ-зовурлар тозаланди.

Обод юртнинг файзи, таровати ўзгача бўлади. Зотан, озодалиқ, поклик, саранжом ва саришталик юртимизнинг янада кўркем бўлишига замин яратади. Бу каби ишлар ва аҳоли кайфиятини юртимиздаги барча маҳаллаларда ёққол сезиш мумкин. Муҳими, аҳоли вакиллари бу ишларда шунчаки эмас, чин дилдан, хайрихоҳлик, алоҳида ташаббус билан қатнашяпти.

МАНЗАРА

“Хитойда тажриба ўргандик. Энди навбат амалиётга”



Азиз СҮЮНОВ, Самарқанд шаҳридаги “Бўстон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Уч йиллик фаолиятим давомида одамлар орасида кўп тажриба орттирдим. Аввал вилоят, туман-шаҳар миқёсидаги ташилотларда хизмат қилганим боис бу ерга келиб билдимки, вилоятдаги фаолиятим ҳамда маҳаллада халқ билан ишлаш ўртасида катта фарқ бор.

Республикада йиғиладиган асосий маълумотларнинг бари маҳалладан чиқади. Аввал ташкилотларда тайёр маълумотлар билан ишлаган бўлсак, энди уларни аҳоли билан яқка тартибда ишлаб, бирма-бир йиғиб, ҳисобот берамиз. Бундан кўринадики, маҳалла тизимида ишлаш етарлича масъулият ва сабр талаб этади. Дастлаб одамлар билан ишлаш менга осон кечмади. Бироқ беғубор инсонларнинг дарди енгиллашгани сари кўзидаги қувончи, миннатдорлигини кўриб, фаолиятимни шу ерда давом эттиришга аҳд қилдим.

Тўғри, “маҳалла еттилиги” ташкил этилиши билан одамларнинг бу тизимга кўникиши, бизнинг ёрдамимизни қабул қилиши бошида анча мушкул бўлди. Аҳолини, айниқса, кредит, субсидия орқали катта лойиҳаларни амалга ошириш, юқори даромадли тадбиркорликни ривожлантириш мумкинлигига ишонтириш анча машаққатли кеч-

ди. Негадир маҳалладагилар кредит олишдан қўрқарди. Улар: “Югур-югури кўп, кредит олиш учун бир нечта жойга мурожаат қилавериб, эсинг кетади, бекорга вақтни йўқотамиз”, дейишарди. Шундай вазиятда сабр-қаноат билан уларга тушунтиришлар олиб бордим. Керак бўлса, одамлар билан яқка тартибда ишлаб, кредит олишдан тортиб, то тадбиркорлигини йўлга қўйишгача бўлган жараёнда ёнида суянч бўлдим. Шўқрики, меҳнатим ўзим ўйлаган натижаларни кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтгача 130 нафардан зиёд инсонга кредит олиб бердик. 10 нафарига субсидия асосида асбоб-ускуналар, тикув машиналари етказилди.

Маҳалламизда жами 2 450 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йил бошида 40 нафар ишсиз фуқарони аниқлаган бўлсак, ҳозир улардан 27 нафари ишли бўлиб, оиласига даромад олиб қияпти. Биринчи ёрдам сифатида аҳоли корхона, заводларда банд қилинган. Ишлаш билан бир вақтда номарказда касб-хунарни ўрганишга иштиёқ билдирганлар ҳам йўқ эмас. Бу имкониятдан, айниқса, ёшлар фаол фойдаланяпти. Тикувчилик, компьютер саводхонлиги, дизайнлик, чилангарлик каби йўналишларда ўғил-қизлар билим ва малакаларини оширмоқда.

Аҳолига “Бизнесга биринчи қадам” ҳамда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари бўйича 17 миллион сўмдан

33 миллион сўмгача ёрдам турлари кўрсатил-япти. Хусусан, Муҳаммад Азжанов тўй ва маросимларнинг таклифномаларини тайёрлаб, видео суратга олишни йўлга қўйган. Бунинг учун унга “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича 17 миллион сўм нақд пул бердик. Шунингдек, тикувчиликда фаолият юритмокчи бўлган Руҳшона Нурмуҳаммедовага учта замонавий тикув машинаси олиб берилди. Ҳозир ателье очиб, буюртма асосида болалар ва аёллар кийимларини тикмокда.

Яқинда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича Хитой тажрибасини ўрганиш учун ушбу давлатга сафар уюштирдик. Мамлакатда йўлга қўйилган тажрибаларни жойига бориб ўргандик. Сафардан қайтгач, ҳудудимиз, асосан, шаҳар марказида жойлашгани боис камбағал оилаларни тадбиркорликка жалб қилишнинг янгича йўлларини топишни, аҳоли бандлигини шу орқали таъминлашни мақсад қилдим.

Бунинг учун, аввало, ишни одамларни тажрибали тадбиркорларга бириктириб, улар билан тадбиркорлик йўналишида “устоз-шогирд” аънаъасини йўлга қўйишдан бошламоқчиман. Бу борада амалга оширишим лозим бўлган жиҳатларни белгилаб олганман, насиб этса, қисқа фурсатда маҳалламизда “Хитой тажрибаси” асосида тадбиркорлик ривожланади, камбағаллик қисқаради, одамлар фаровонликка эришади.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ўзбекистон туманидаги Ўқчи қишлоғида “Ўрик гуллаганда...” II ёшлар ижодиёт фестивали ташкил этилди. Баҳор нафаси уфуриб турган ушбу байрам ҳақиқий умумхалқ сайлига айланди, минглаб фарғоналикларга қувонч бахш этди.



Гуллаган ўрик шоҳлари остида ўтказилган фестиваль доирасида миллий ўйинлар намойиш этилди, ўзбекона қадрият ва урф-одатлар жонлантирилди. Ёш ижодкорларнинг чиқишлари, варрак учуриш мусобақаси, ёш полвонлар ўртасидаги кураш беллашувлари кўнгилларга кўклам тароватини олиб кирди. Дошқозонда қайнаган сумалак ва тандирларда ёпилган кўк сомсалар нафақат маҳаллий аҳоли, балки сайилга ташриф буюрган хориқлик меҳмонларни ҳам ҳайратга солди.

Шу куни баҳор ва кўклам, Наврўз ва гузаллик ҳақида шеър-қўшиқлар янгради. Таниқли санъаткорларнинг дилтортар қўшиқлари, уста аскиячларнинг ичаккузди пайровлари, фольклор дасталарининг алёру лапарлари дилларга завок бағишлади. Кайвони момолар, нуроний отахонлар юзидаги табассум уларнинг дуоларига йўғрилиб самоларга парвоз қилди. Ёшлар шижоатига шижоат қўшилди, табиатдан куч олган нигоҳлар томирлардаги қонни шавққа тўлдирди.

Вилоят ва туман ҳокимлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси масъулари фестивал билан барчани кутлаб, табиат қўйнида ўтказиладиган бундай тадбирлар экологик тарбия, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Фестиваль якунида фаол иштирокчилар ва танлов ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Муроджон АБДУПАТТОВЕВ.

ҚУЛАЙЛИК

Сирдарё туманидаги “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

“Ёттилик” янги бинода иш бошлади

Бино қурилиши вилоят ҳокимлиги ташаббуси ва ички ишлар бошқармаси кўмағида амалга оширилди. Унда “маҳалла еттилиги” фаолият кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди ва замонавий жиҳозлар ҳамда компьютер



жамланмалари билан таъминланди. — Шу кунгача маҳалламизнинг ўз биноси йўқлиги туфайли битта хонада ишлаётган эдик, — дейди “Пахтакор” маҳалласи раиси Баҳром Султонназаров. — Бу иш унумдорлигимизга анча таъсир қиларди. Мана, эндиликда ишга тушган замонавий, барча қулайликка эга бўлган маҳалла биноси нафақат йиғин ходимларига, балки

маҳалла аҳоли учун ҳам байрам совғаси бўлди. Айтиш керакики, 5 минг 224 нафар аҳоли истиқомат қиладиган “Пахтакор” маҳалласининг 17 та кўчаси “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ободонлаштирилди, дарахт кўчатлари экилиб, файли манзилгоҳга айлантирилди. Қолган 3 та кўчада бу борадаги ишлар амалга оширилмоқда.



Тошкентда мустақкам шиша, табло, камера ва “112” тугмаси билан жиҳозланган ЯНГИ АВТОБУС БЕКАТЛАРИ ўрнатилади.



Йўл ҳаракати қондасини жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги ХУКУМАТ ҚАРОРИ лойиҳаси эълон қилинди.



Тиббиёт муассасаларини аккредитациядан ўтказиш, ҳисоблагичларни текшириш каби 11 та давлат хизмати ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ўтказилади.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Тушумлар сарфи тушунтирилгач, тўловларга рағбат изчил ортяпти

“МАҲАЛЛА-БАЙ” ишлаш тажрибамдан келиб чикиб айтишим мумкин-ки, солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши солиқ тўловчиларга катта имконият ва қулайлик яратди.



Илҳомжон КАМОЛИДДИНОВ, Поп туманидаги “Бирлашган”, “Уч уйли”, “Янги ер”, “Водий” маҳаллалари солиқ инспектори.

Биринчи навбатда, одамларнинг вақти ва пулини сарфлаб, туман марказига келишларига чек қўйилди. Яширин иқтисодиёт занжирлари узилиб, солиқ тушумлари ортяпти.

Биз, солиқ инспекторлари нафақат солиқ тушумларини ошириш билан, балки “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бораёмиз. Биргина мол-мулк ва ер солигидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолиши, ушбу маблағлар йиғинлар инфратузилмасини яхшилашга, янги иш ўрни

яратиш ва аҳолининг оғирини енгил қилишга сарфланишининг тарғиботи одамларни солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашга ундаяпти.

Ислохотлар натижаси аҳолига тadbиркорлик фаолияти

билан қонуний шуғулланиб, ўзи ва oilасини даромадли қилиш имкониятини берапти. Масалан, “Бирлашган”, “Янги ер”, “Водий” маҳаллалари аҳолиси ғалладан бўшаган ер майдонларига такрорий экин сифатида

ерёғоқ, ловия, мош экиб, даромад топяпти. Деҳқончиликка қизиққан ишсиз ёшлар 20-30 сотих ер олиб, бандлигини таъминлаяпти.

“Уч уйли” маҳалласи туман марказига яқин худудда жойлашгани учун тadbиркорлик кенг ривожланыпти. Бу ерда “Поп савдо маркази” бозори бўлгани учун аксарият фуқаролар савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланыпти. Бир қисми давлат ташкилотларида меҳнат қилади. Шунингдек, томорқаларидаги иссиқхоналарда бодринг, помидор ва турли кўкатлар экиб, қўшимча даромадга эга бўлаяпти.

Бугунги кунда менга бириктирилган маҳаллаларда 49 та юридик корхона, 19 та фермер хўжалиги, 45 нафар яқка тартибдаги тadbиркор, 900 та деҳқон хўжалиги фаолият юритаяпти. 2 400 нафар фуқаро


деҳқончилик, новвойчилик, автомобилларга техник ва ювиш хизмати кўрсатиш йўналишларида ўзини ўзи банд қилиб, расмий даромад топяпти. Жорий йилнинг ўзида иқтисодий қийинчиликка дуч келган 5 та корхона қайта иш бошлади. 4 та корхонада хужжатсиз ишлаётган 16 нафар ишчи-ходимнинг фаолияти қонунийлаштирилди. Ноқонуний фаолият кўрсатаётган 8 нафар тadbиркор янгидан рўйхатдан ўтказилди. Натижада ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиқ тушуми 172 фоизга ортиб, 233 миллион 700 минг сўмни ташкил этди.

Ҳозир аҳоли ўртасида мол-мулк ва ер солиғига оид кадастр хужжатлари билан боғлиқ тарғибот-тушунтириш ишлари олиб бораёмиз. Масалан, техник кадастр хужжати учун бир сотих ер майдонига 50 минг сўм атрофида, юридик шахс сифатида рўйхатга олинган кадастр хужжати учун 30 минг сўмга яқин солиқ ундирилади.

“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида солиқ тушумларини ошириш бўйича бир қатор режалар ишлаб чиқяёмиз. Хусусан, маҳаллаларнинг ўзида аҳоли етиштираётган ерёғоқ, мош ва ловия донларини қадоқлаш корхоналарини ташкил этиб, маҳсулотларни экспорт қилиш ниятидамыз. Шунингдек, кичик бизнесни, хусусан, ишлаб чиқариш, маиший ва хизмат кўрсатиш ҳамда савдо йўналишларида тadbиркорликни кенгайтираёмиз. Бу борада йиғинларда имконият ва шароитлар мавжуд.

ЮК ТАШИШДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 мартда “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига товар-моддий бойликларини ташиш хужжатларини расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Музаффар НАЗАРОВ, Солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Маъзкур хужжатга кўра, товар-моддий бойликлар юклаб жўнатиш билан бир вақтда реализация қилинганда, электрон ҳисобварақ-фактура (ЭХФ) ва товар-транспорт юк хати (ТТЮХ) бирлаштирилган ҳолда расмийлаштирилиши мумкин. Бу тadbиркорларнинг иш ҳажми ва вақтини камайтириб, маблағларини тежайди.

Унутмангки, юклар транспорт воситасидан фойдаланмаган ҳолда (қўлда ёки махсус қурилмалар ёрдамида) ташилганда, товарларни реализация қилиш ва юклаб жўнатиш бир вақтда амалга оширилмаган ҳолатларда ЭХФ билан ЭТТЮХ бирлаштириб расмийлаштирилмайди.

Айтиш керакки, ТТЮХни электрон шаклда расмийлаштириш талаби юридик шахслар, ЮТТ ва айланмаси 100 миллион сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, қарор билан:

- хужжатдаги хатоликларни мустақил равишда тузатиш мақсадида “Тузатувчи ЭТТЮХ”ни расмийлаштириш тартиби;
- юклар жисмоний шахсларга етказиб берилганда ва товар хусусиятига эга бўлмаган юклар ташилганда “Бир томонлама ЭТТЮХни расмийлаштириш” тартиби;
- юкларни бир неча транспорт алмашинуви ҳамда почта ва курьерлик хизмати орқали ташилганда ЭТТЮХни расмийлаштириш тартиблари белгиланди.

1 АПРЕЛГАЧА ДАРОМАДЛАР ДЕКЛАРАЦИЯСИ ТОПШИРИЛАДИ

Солиқ тўловчилар Солиқ кодексининг 393-моддасида кўрсатилган даромадлари тўғрисидаги жами йиллик декларацияни ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиши ва ҳисобланган солиқ суммасини 1 июнгача тўлаши белгиланган.

Шунга кўра, Ўзбекистон резидентлари ушбу санага қадар 2024 йилда олган куйидаги даромадлари тўғрисида жами йиллик декларацияни топширишлари лозим:

- н о т у р а р объектлари ва 36 календарь ойдан кам муддатда мулкда бўлган турар жойларни сотишдан ҳамда яқин қариндоши бўлмаган шахслардан ҳадя тартибда, фоиз ва дивиденд кўринишида олган даромадлари;
- илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик

ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган;

- моддий наф тарзидоги;
- Ўзбекистон худудидан ташқаридаги манбалардан олинган;
- солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган ҳамда солиқ агенти солиқушлаб қолмаган бошқа даромадлари.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эл жисмоний шахслари ҳам 1 апрелдан кечиктирмай даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши лозим. 2024 йилда олинган даромадлар тўғрисидаги декларация my3.soliq.uz сайтидаги шахсий кабинет орқали юборилади. Декларация асосида ҳисобланган даромад солиғи тўловини “Soliq” мобил иловаси ва бошқа тўлов тизимлари орқали амалга ошириш мумкин.

Эслатма: декларация асосидаги даромад солиғи тўлов коди – 172 Солиқ кўмитаси Ахборот хизмати.

БИЛАСИЗМИ?

Беғубор ва мусаффо сувдан баҳраманд

“Долзарб бир ойлик” доирасида Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қайғмас” маҳалласи аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида сув минорасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилаяпти.



Абдулазиз МУСАЕВ, журналист.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти кўмағида амалга оширилаётган маъзкур иш доирасида сув минорасининг пойдеворини бетонлаштириш, ичимлик сувни

узатиш учун диаметри 100 миллиметр бўлган қувурлар ётқизилаяпти. Шунингдек, сув минораси ёнига қўйиладиган катта кучланишли трансформаторга электр энергия олиб келиш учун устунлар ўрнатиляпти. Шу билан бирга, “Файзиобод” маҳалласидаги 1 минг 200 метр ички йўлларга асфальт ётқизилаяпти.

Туман ҳокимлиги ҳамда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” масъуллари “Ўйғур” маҳалласида аҳолининг томорқалардан фойдаланаётганини ўрганишди, соҳа мутахассислари зарур тавсиялар берди. Бундан ташқари, “Янгийўл” маҳалласида ариқ-зовурларнинг

бетонлаштирилгандан кейинги ҳолати кўздан кечирилди. Ўз навбатида, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида Тошкент вилоятининг бошқа худудларида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Тошкент туманидаги “Оқтош” маҳалласининг Беғубор ҳамда Мусаффо кўчаларидаги 250 та хонадон Наврўз байрами арафасида сув билан таъминланди. Бунинг учун 3 та сўғориш қудуғи ўрнатилди.



Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШЛАРИ ташкил этилади.



Хитойнинг Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган кўрғазмада Ўзбекистон ТУРИЗМ ИМКОНЯТИ намойиш этилди.



“ЭНГ ИЛҒОР ЖАНГЧИ — 2025”: Ўзбекистон ҳарбийлари АҚШда рекорд натижалар билан ғалабани қўлга киритди.

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

“Ташвиш тугмаси” туфайли оиладаги ташвишлар тугатиляпти

Асосий вазифамиз — маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, содир этиладиган қонуңбузарликларнинг асл илдизларини ўз вақтида аниқлаш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олишдир. Бу борада ишлар кизгин давом этапти.

Адҳам АБДУҚАҲҲОРОВ, Учкўрғон туманидаги “Истиқбол” маҳалласи профилактика инспектори.

Президентимизнинг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун “йўл харитаси” ишлаб чиқдик.

Шу асосида ҳудудга кириб-чиқиш кўчаларига, умумий овқатланиш шохобчаларига, савдо дўконларига замонавий видеоқурилмалар ўрнатиб, хизмат хонамга интеграция қилдим. Ҳудудда ҳафтанинг шанба куниди ишлайдиган “Кўғай” деҳқон ва мол бозори бор. Шу кун бу ерда тумандаги 30 дан ортиқ маҳалла ва қўшни Норин тумани ҳамда

Андижон вилоятидан ўн мингга яқин сотувчи ва харидор келиб-кетида. Шу боис бозор ҳудудида хавфсизликни таъминлаш учун 24 та замонавий видеокамера қўйдик. Бу борадаги ишлар “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида давом этапти. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик вакиллари-дан иборат тунги навбатчилик гуруҳи ташкил этилган.

Ҳозирда Қўриқлаш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда жамоат жойлари, ҳуқуқбузарликдан жабр кўриш эҳтимоли бўлган фуқаролар хонадонларига “ташвиш тугмасини” ўрнатамиз. Тўртта нотинч, жанжалкаш оилалар хонадонига шундай тезкор алоқа тугмаси қўйилгач, тинч яшай бошлади.

Ўрганишларимдан маълум бўляптики, низоли оилаларнинг асл сабаби — спиртли ичимликка ружу қўйиш ва ишсизликдир. Шу боис нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган ва руҳий касалликка чалинган фуқароларни алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли ишляпман. Ҳар бири ҳақида

Адҳам Абдуқаҳҳоров Наврўз умумҳалқ байрами арафасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

“маҳалла еттилиги” аъзоларига ижтимоий профилактика бўйича хулоса бериб, муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриляпти. Шу тариқа нотинч оилалар яраштириляпти, ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилиб, даромадли қилиняпти.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳар бир профилактика инспектори аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларга телефон рақамини бериб, мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бурса, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мумкин. Бу борада хизмат уйлари зарур. Чунки профилактика инспекторининг хизмат уйи ва машинаси бўлса, кечаю кундуз ўзига бириктирилган ҳудудда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар оёйишшалиги ва хавфсизлигини таъминлаш имкони бўлади. Мен ҳам оилам билан “Истиқбол” маҳалласидаги хизмат уйимда яшаб, тарғибот ишларини янада кучайтириб, “маҳаллабай”, “фуқаробай” ишляпман. Бунинг натижасида уч йилдан буён жиноятчиликдан холи ҳудуд — “яшил” тоифадамиз.



Хунаармандлар маҳсулотни хорижда ҳам хариддоргир



Янгиариқ туманидаги “Каттабўғ” маҳалласи аҳолисининг 50 фоиздан ортигини хунаармандчилик билан шугулланади. Бу ерда кулоллар, темирчи ва дурадгорлар, касанааччилик билан шугулланаётган ўз касбининг усталари кўп. Уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кулолчиликни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Кулоллар маркази” ташкил қилиниб, мўъжазгина устахоналар бунёд этилди.

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Ижод устахонасида қўл меҳнати билан оила тебратаетган,

хонадонига яхшигина даромад киритаётган уста-кулоллар тимин билмай ишлашади. Улар оддий тупроқдан шундай санъат намуналари яратадики, қўриб лол қолсан, киши. Устахонада нафақат сопол ва зангори кулолчилик намуналари ишлаб чиқилади,

балки кошинчилик ҳам тараққий этган. Эътиборлиси, “Кулоллар маркази”дан чет эллик сайёҳларнинг қадами узилмайди.

“Шухрат” медали соҳиби Баҳодир Отажонов кулоллар сулоласининг еттинчи авлоди. Болалигидан тупроқ ва лой тилини ўзлаштирган кулол уни санъат даражасигача етказди. Ҳозирда устахонада Баҳодир акага унинг оиласи, фарзандлари елкадош бўлиб, иш юритапти. Демак, Отажоновлар сулоласининг 8- ва 9-авлод вакиллари ҳам хунарни давом эттиряпти.

“Кулоллар маркази”да ижтимоий дафтарларга рўйхатга

киритилган фуқароларга хунаар ўргатилляпти. Уларнинг иш билан банд бўлиб, ҳалол меҳнат ортидан даромадга эришишига шароит яратилган.

Одилбек кулол деса, кўпчилик танийди. Чунки уста-кулолнинг қўл меҳнати намуналари жуда кўп хонадонлар, хизмат кўрсатиш объектлари биноларига безак бўлган. Ҳозир ҳам кошинлар ишлаб чиқариш устида мураккаб иш жараёнлари кетяпти. Тайёр маҳсулотлар Хива шаҳри ва Қозғистон Республикасига етказиб берилляпти.

Устанинг кичик қизи Барно Раҳимова ота изидан бориб, кулолчиликда қатор муваффақиятларга эришган хунаармандлардан бири. Унинг бошчилигида “Аёллар дафтари”да бўлган хотин-қизлар кулолчиликка ўқитилди. Ҳозирда “Каттабўғ”нинг ўзида 40 нафар шоғирди ўз уйида иш ташкил қилган.

Шунингдек, марказда тандирчи усталарнинг фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда анъанавидан тортиб, замонавий кўринишдаги тандирларни ҳам топиш мумкин. Нафақат кулолчилик марказида, балки маҳалладаги хонадонларда кўллаб хунаармандлар меҳнат қилляпти. Улар оилавий бирдамликда ишлаб, мўмай даромад топяпти.

Муҳтасар қилиб айтганда, “Каттабўғ”нинг тупроғидан ясалган сопол ва зангори кулолчилик ишлари нафақат вилоят ва республикамизнинг турли ҳудудларидан, балки хориждан туриб ҳам буюртма қилиняпти. Демак, чекка бир манзилнинг кичик маҳалласидан туриб, юртимиз хунаармандчилиги дунёга танитиляпти.

НАМУНА

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Темур БОТИРОВ, Андижон вилояти:

— Ишхонамизда ҳомиладор ходима бор. У ҳомиладорлигини рўқач қилиб, сабабсиз қўп иш қолдиряпти. Бундай ҳолатда ушбу ходимага қандай чора кўрсак бўлади, ишдан бўшатиш мумкинми?

ҲОМИЛАДОР ХОДИМА ИШДАН БЎШАТИЛ-МАЙДИМИ?



Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Меҳнат кодексининг 22-моддасига кўра, ходим меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга, меҳнат шартномалари шартларига риоя этиши, ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни виждонан бажариши, ички тартибга риоя этиши, меҳнат интизомига ва бошқа мажбуриятларга риоя этиши шарт. Яъни бу мажбуриятлар барча ходимларга, шу жумладан, ҳомиладор аёлларга ҳам тааллуқлидир.

Бироқ Меҳнат кодексининг 408-моддасига кўра, ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди. Бундан ташкилот (унинг алоҳида бўлинимаси) ёки яққа тартибдаги тадбиркорнинг иш фаолияти тугатилган ҳолатлар мустасно.

Демак, ҳомиладор аёл ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузса, ҳомиладор аёл билан меҳнат шартномасини 161-модда 2-қисмининг 4- ва 5-бандлари билан бекор қила олмайсиз. Лекин Меҳнат кодексининг 312-моддасидаги бошқа интизомий жазоларни бемаъл қўллаш мумкин. Масалан, ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима. Агар ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиниши ҳоллари назарда тутилган бўлса, ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишингиз мумкин.

Ишқилиб, иш қидириб, ишониб қолманг!

Фирибгарлар фуқароларни алдаш учун янгида янги найрангларни ўйлаб топишяпти. Эндиликда улар иш қидираётган юртдошларимизни алдаш моқда. Агар иш қидираётган бўлсангиз, ушбу хабарга жиддий эътибор беринг.

Жаҳонгир САГДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Бу ҳолатда дастлаб фирибгарлар ўзларини иш берувчи деб таништириб, мўмай даромадли иш ҳақи таклиф қилишади. Ва сиздан ҳужжатларингизни уларга онлайн юборишингизни сўрашади. Сўнгра иш ҳақини олдиндан “аванс” сифатида тўлаб беришларини айтиб, пластик картангиз маълумотларини сўрашади. Кейинчалик сизга “SMS” код юборилганини билдириб, “бизга “SMS” кодни айтинг, ойлигингиз тулиши учун картангизни боғлашимиз керак”, дейишади. Агар ушбу кодни уларга айтсангиз, фирибгарлар картангиздаги пулларни ўғриллашади.

Эсда тутинг, ҳеч қачон, ҳеч кимга картангиз маълумотларни ёки “SMS” хабарномадаги тасдиқлаш кодларини берманг. Иш берувчилар сиздан ҳеч қачон “SMS” кодларни сўрамайди. Сиздан бундай маълумотларни талаб қилишса, билинги, улар фирибгарлардир.





Венадаги ядро хавфсизлиги йиғилишида Ўзбекистон учинчи Миллий Ҳисоботини тақдим этди.



Фармацевтика маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи юридик шахслардан Қўшимча қиймат солиғи ундирилади.



Мақтаб жамоалари ўртасида миллий ва жаҳон мусиқаи йўналишлари бўйича “ИҚТИДОР МАҚТАБ АНСАМБЛИ” республика танлови ўтказилади.

КЎМАК

Янги лойиҳа янги ҳаёт сари умидли қадам

Эшик узоқ вақт очилмади. Шифокор ва ҳамшира сабр билан кутиб туришарди. Ичкаридан бирор ҳаракат сезилмаса-да, улар кетиб қолмади.

Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Ниҳоят, дарвоза қиялаб очила бошлади. Меҳмонлар қаршисида чарчокдан аранг нафас олаётган Норжон ая турарди. Кекса аёлнинг қўлида эски ҳасса, юзида эса ҳорғинлик аралаш ним табассум бор эди.

— Кечикканимга хафа бўлманг, болаларим, — деди аёл чарчаган овозда. — Уч метрча келадиган масофага етгунимча олти-етти марта дам олмасам бўлмайди.

Ангрен шаҳридаги “Истикбол” маҳалласида яшовчи 79 ёшли, 2-гурух ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида турувчи Норжон ая Ниёзова ёлғиз ўзи яшайди. Турмуш ўртоғи бир неча йил аввал вафот этган. Қизи анча олисга турмушга чиқиб кетган. Унга яшаши учун ҳар куни фақат ўзи ва бардоши ёрдам беради. Ҳаёт онахон-ни кўп синовларда тоблади, аммо у таслим бўлмади.

Норжон ая хонаси оstonасида туриб, узоқларга тикилди. Кўзларида яш-рин дард бор эди. Аммо матонатли бу инсон ҳаётга



бўлган ишонч ва умидини ҳали йўқотмаган эди. У бир мuddат тетик қадам ташлаб, дераза олдига борди. Оппок бўлиб гуллаган ўрик дарах-тига қараб: “Баҳор келибди,

баҳор!” — деди шодлигини яшира олмай.

Янгиланиш фасли билан баробар кекса аёлнинг ҳаётида ҳам катта ўзгариш-лар рўй бера бошлаган эди.

“Уйда тиббий-ижтимоий реабилитация” хизмати йўлга қўйилгач, шифокор ва ҳамширалар унинг уйига мунтазам равишда келиб, даво чораларини қўллашди,



Таъриба тариқаси-да Тошкент вилоя-тида “Кексалар реестри”да турувчи шахсларга “Уйда тиббий-ижтимоий реабилитация” хизмати йўлга қўйилди.

қўллаб-қувватлашди. Энди онахон-нинг руҳи аввалгидан анча тетикла-шиб қолган. Қўл ва оёқларидаги оғриқлар захри камайган. Энг муҳими, доим унинг саломатлигидан хабар олиб турадиган ғамхўр ин-сонлар бор. Ҳар сафар меҳмонлар билан дилдан суҳбатлашиб, кўнгли ёришади. Жамиятда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, таъриба тариқасида Тошкент вило-ятида “Кексалар реестри”да турувчи шахсларга Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази, “Товоқсой” санаторийси ҳамда Ижтимоий қўл-лаб-қувватлаш маркази томонидан “Уйда тиббий-ижтимоий реаб-илитация” хизмати йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа инсонларнинг сало-матлигини тиклаш ва ҳаёт сифа-тини яхшилашда ўзини оқлаган ташаббус эканини исботламoқда.

ИЖРО

ЮКСАЛИШ — ҚУЛАЙ ВА ТЎСИҚСИЗ КЎЧА


Фарғона шахрининг энг гажвум кўчаси — Юксалиш “ижтимоий кўча” сифатида танлаб олиниб, ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилди.



Президентимизнинг “Ноги-ронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бу кўчадаги учта чоррахага 22 дона “ақлли” сфетофор, икки томонидagi пиёдалар йўлакларига 1,6 кило-метр узунликда тактил қопламалар ҳамда пиёдалар ўтиш йўлакларига тўсиқлар ўрнатилди.

Шунингдек, чорраҳалардаги пиёдалар ўтиш йўлаклари махсус бўёқ билан қопланди. Мавжуд би-ноларнинг кириш эшиклари атрофи рангли огоҳлантирувчи тасмалар билан тўлиқ жихозланди. Йўлаклар-да янги пандуслар қурилди. Автобус бекати ногиронлиги бўлган шахс-ларга мослаштирилди.

Бундан ташқари, умумий 400 метр узунликда пиёдалар йўлагидан биноларгача бўлган масофаларга тактил қопламалар ётқизиш, 18 та табдиркорлик субъ-екти биноларига пандус ўрнатиш ва 24 та мавжуд пандусларни таъмир-лаш, 8 та пиёдалар ўтиш йўлаклари олдида кўча тўсиқларини ўрнатиш ишлари якунланиш арафасида.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

МИГРАНТЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ДАРОМАДИ ИНОБАТГА ОЛИНСА...



Билим олиш, ўқиб, изланиш ҳар доим ҳар бир шахсни янги марралар сари етаклайдиган маёқ кабидир. Айниқса, маҳалла тизимида фаолият юритадиган ходим инсонларнинг кўнглига йўл топиш, уларнинг муаммоларига муносиб ечим излаш учун замонавий услуб ва ёндашувларни ўрганиши сув ва ҳаводек зарур.

Зилола ЮНУСОВА, Чуст туманидаги “Дўзанда” маҳалласи ижтимоий ходими. “Маҳалла ифтихори” кўрак нишони совриндори.

Шу маънода айнаи вақтда ижтимоий ходим вазифасини адо этиш баробарида ўз устимда ишлаб, олий таълимда ҳам таҳсилни давом эттирялман. Битта китобни мутолаа қилиб бўлар эканман, ҳаёлимга янги ғоялар, фикрлар кела бошлайди. Уларни амал-га ошириб, кимгадир фойдам тегиши қалбимга хотиржамлик бағишлайди.

Худудимизда истиқомат қи-ладиган 129 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг яшаш шарои-тини яхшилаш, 72 та камбағал ва 96 та кам таъминланган оиалар-ни қайсидир хизматлар орқали фаровонликка етаклаш борасида доимий изланишдамиз. Шу билан бирга, 12 тоифага мансуб оғир вазиятдаги инсонларнинг ижти-моийлашувини таъминлаш учун давлат яратиб бераётган имкони-ятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилялмиз. Хусусан, 25 нафар имконияти чеклан-ган фуқарога реабилитация



Лекин турмуш ўртоғи Европа ва бошқа ривож-ланган мамла-катларда ишлаб, яхши пул топа-ётган бўлишига қарамай, аёлга болалар нафақа-си берилаётгани аҳоли орасида бироз норози-лик кайфиятини туғдираётгани бор гап.

қилишнинг техник воситаси ва протез-ортопедия мосламалари тақдим этилди. Электрон юритма-ли арава, кўзи оғизлар ҳассаси, овозли танометр кабилар ким-нингдир қайсидир мушкулени осон қилишга ёрдам беряпти.

Фаолиятимни бошлаганимга икки йилдан ошган бўлса, шу кунга қадар 47 та кейс очилди. Бу усул орқали шунча оиланинг ўнлаб муаммолари муносиб ечим топди. Жумладан, Тошпўлат ота Аҳмаджонов оғир хасталик туфайли ётиб қолган, 1-гурух но-гирони. Ўғли Баҳодир Аҳмаджо-новда ҳам ногиронлик мавжуд. Шу боис доимий иш ўрнига эга эмас. Мавсумий юмушлар билан даромад топиб келмоқда. Келини ва турмушидан ажрашган қизи ишсиз. 11 ёшли набираси мактаб ўқувчиси. Оиланинг шароити-ни яхшилаш мақсадида қатор хизматлар кўрсатилди. Тошпўлат отанинг эскириб кетган араваси янгисига алмаштириб берилди. Соғлигини тиклаши учун туман тиббиёт бирлашмасида давола-ниб чиқди. Бундан ташқари, олти ойлик моддий ёрдам тайинланди. Набираси Муштарийбону билан ўтказилган психологик машғул-лар натижасида унинг чет тилини ўрганишга иштиёқи борлиги аниқланиб, тўғараққа жалб қи-линди. Қизи ва келини субсидия асосида олиб берилган тикув ма-шинасидан унумли фойдаланиб, рўзгориغا даромад киритишни бошлашди. Улар маҳалламиздаги тикувчилик корхонаси етказиб бераётган хомашёларни тикиб бериш орқали вақтини мазмунли ўтказяпти, хунари бўйича янада кўпроқ малакага эга бўляпти.

Камбағал сифатида раҳбар ходимларга бириктирилган 5 та

оила билан ҳам ишлар қизгин паллада. Секин-аста уларнинг ижтимоийлашуви таъминланиб, жамиятдаги фаоллиги ортиб бормoқда. Хусусан, Муқаддам Абдуллаева оиласи камбағаллиги сабабли реестрга киритилган эди. Улар 1 килограмм сузмани 17 мингдан сотиб олишади. Ҳаф-тасига 60 килограмм сузмадан 25 килограмм тайёр маҳсулот ҳосил бўлади. Шунда етти кунлик фойда 600 минг сўмни ташкил этади. Муқаддам опанинг иш унумдорлигини ошириш мақсади-да имтиёзли кредит асосида қий-мати 10 миллион сўмлик ускуна олишида ёрдам бермоқчимиз. Агар лойиҳани амалга оширадиган бўлсак, уларнинг кунлик фой-даси 2 миллион 700 минг сўмгача кўтарилиши мумкин. Кўриб тур-ганингиздек, жуда оддий ва кўп меҳнат талаб қилмайдиган юмуш ортидан қанча даромад топиш имкони мавжуд.

Фаолиятимиз давомида турли вазият ва ҳолатларга гувоҳ бўла-миз. Шундай вақтда ҳар хил фикр ва таклифлар юзага келиши аниқ. Жумладан, хорижда ишлаш учун кетган фуқаролар уч ойдан кейин банд ҳисобланиб, 2 миллион 310 минг сўм даромад топаётган шахс сифатида Ижтимоий реестрга киритилади. Бу меъёр барча учун бир хил. Лекин турмуш ўртоғи Европа ва бошқа ривожланган мамлакатларда ишлаб, яхши пул топаётган бўлишига қарамай, аёлга болалар нафақаси берила-ётгани аҳоли орасида бироз но-розилик кайфиятини туғдираётга-ни бор гап. Шу маънода мигрант-ларнинг Ижтимоий реестрдаги даромадларини белгилаш бўйича янги меъёрлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ИЖТИМОИЙ ХОДИМДА ИЖОБИЙ НАТИЖА КЎП

Жондор туманидаги “Работ” маҳалласида 2 812 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладаги 48 нафар фуқаро ижтимоий реестрга киритилган бўлиб, улар доимий равишда давлат ва жамоатчиликнинг эътиборида.



Зарнигор НАФИДИНОВА, журналист.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оиаларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўр-сатиш тизими йўлга қўйилган. Бу борада ижтимоий ходим Нуриддин Қўклямов фаолият олиб бориб, 40 та кейс очган. У фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, керакли ечимларни топишга ёрдам беряпти.

Ушбу кейсларнинг аксарияти ижобий натижа билан якунланган бўлиб, шундай фуқаролардан бири — Гулмира Жумаева оиласидир. Шу вақтгача улар оғир турмуш шароитида яшаб келаётган эди. Аёлнинг турмуш ўртоғида 2-гурух ногиронлиги бўлиб, соғлиги сабаб-ли доимий даволанишга муҳтож. Шу боис оиланинг даромад ман-баи чекланган, яшаш шароити эса талабга жавоб бермас эди.

Нуриддин Қўклямов томони-дан ушбу ҳолат ўрганилиб, кўлаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, хонадон вакилларига “Са-ховат ва кўмак” жамғармасидан 3 миллион сўм ажратилди ва ҳомиёлар жалб қилиниб, қўшим-ча уй-жой таъмири учун маблағ йўналтирилди. Оила фарзандларига бола нафақаси тайинланди, бу эса уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда катта енгиллик яратди.

Фуқаронинг турмуш ўртоғи соғлигини тиклаш учун шифохонага жойлаштирилди. Гулмира опанинг меҳнатга лаёқати бўлгани сабабли табдиркорликка йўналтирилди, унинг даромад топиш имкониятла-ри кенгайтирилмоқда.





1 апрелдан ИЖТИМОИЙ ЁРДАМЛАР Камбағал оилалар реестрига киритилган оилаларга берилади.



1 апрелдан айрим қоғоз шаклидаги маълумотномалар ИЖТИМОИЙ КАРТАга алмаштириш орқали бекор қилинади.



Рақамли технологиялар вазирлиги “112” ягона диспетчерлик хизмати барча ҳудудларда ишга тушганини маълум қилди.

Барча ҳужжатлар электрон шаклда юритилса...



Эрталаб иш томон йўл олар эканман, идорага етиб боргунга қадар кўчалардаги ҳар бир ҳолатни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Кимнинг эшиги очилган, ҳовлилари супурилган, ким томорқасига ишлов бериб, экин эккан, ҳаммасини ўзим учун маълумот сифатида кузатиб бораман.

Хилола ХОЛБЎТАЕВА, Сирдарё туманидаги “Орзу” маҳалла хотин-қизлар фаоли.

Бу бир ҳафтадан ўша уйдаги озодликдан дарак берса, иккинчи тарафдан оиладаги ўзаро муносабатлар ҳақида ҳам билиб олиш мумкин. Бироз келишмовчилик ва можаро келиб чиққан уй бекалари ҳеч қарерга қарамайди. Хафсаласизлиги шундоқкина сезилиб туради. Тонгда тўпланган маълумотлар

асосида ишимни давом эттираман. Айрим вақтлар бир кунда 10 нафаргача аёл билан суҳбатлашаман. Ками билан 3 нафар хотин-қизнинг қайсидир муаммосига ечим излашга имкон топамиз. Айни вақтда “маҳалла еттилиги” ходимларидан имтиёзли кредит олиш ҳамда даволаниш учун моддий ёрдам сўраб келаётганлар кўпчилиқни ташкил этади. Умид билан келган фуқароларни хурсанд бўлиб чиқиб кетиши учун кўлдан келганча ҳаракат қилияпмиз. Натижада йилдан-йилга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган опа-сингилларимиз сафи кенгайиб



Ишимизни бироз енгиллаштириш мақсадида фазимат компьютер кўринишида олиб боришни тақлиф қилмоқчиман.

бораётир. Худудимизнинг “ривожланиш нуқтаси” кишлоқ хўжалиги ва чорвачилик йўналишлари бўлгани боис аҳолининг 40 фоиздан кўпроғи иссиқхонада полиз экинлари етиштириш билан банд. Бундан ташқари, хунараманд, қўли гул чеварларимиз ҳам кўплаб топилади. Хусусан, Назира Хайитова 2022 йилдан буён тикувчилик йўналишида фаолият юритиб келмоқда. Такдим этилган 50 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига керакли ускуналарни харид қилиб, иш кўламини янада кенгайтирди. Айни вақтда 10 нафар доимий ходимидан ташқари, 5 нафар касаначилик асосида буюртмаларни уйда тикиб берадиган хотин-қизнинг даромад топишида кўмаклашапти. Аслини олганда, маҳалланинг ҳар бир ходими ўзининг ташаббускорлиги, интизоми ва тадбиркорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарур. Шу маънода мен

ҳам доим ўз устимда ишлашдан чарчамайман. Ҳозирги кунда олий ўқув юртининг сиртқи бўлимида таҳсил оляпман. Янада кўпроқ билим олиб, инсонларнинг фаровон турмуш кечиришига муносиб ҳисса қўшсам дейман. Фаолиятим давомида кўпроқ хотин-қизларнинг севган соҳасида меҳнат қилиши учун етарлича шароит яратиб беришни асосий мақсад қилиб олганман. Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 65 нафар хотин-қизни ишсиз сифатида рўйхатга олганмиз. Шундан 10 нафарини тикувчилик йўналишида ўқитиб, шу соҳада банд қилмоқчимиз. 25 кишини томорқадан унумли фойдаланишга ўргатсак, яна 10 киши қандалатчилик ва сартарошлиқни ўрганишни режа қилган. Бандликдан ташқари, оила мустаҳкамлигини таъминлаш масаласи ҳам “еттилик” вакиллари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифалардан бири. Хусусан, жорий йилда олиб борилган саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, битта низоли оиладаги вазият ўнланган бўлса, иккита хонадон вакилларини муроасага келтиришга эришдик. Бу ишда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз — “Оқила аёллар ҳаракати” аъзоларидир. Жумладан, комиссия раиси Гулнора опа Холбўтаева-ни ҳар тарафдан намуна қилиб кўрсатишга арзийди. Оила тутуми, фарзандлар тарбияси ҳамда ўзаро муносабатлар борасида ундан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Ҳар қандай масалага чуқур эътибор ва психологик ёндашув билан муносиб ечим топади. Бугун хотин-қизлар фаолидан маҳалладаги барча керакли маълумотларни электрон платформага киритиш билан бирга, қоғоз шаклини ҳам юритиши талаб этилмоқда. Ишимизни бироз енгиллаштириш мақсадида тизимни фақат компьютер кўринишида олиб боришни тақлиф қилмоқчиман. Бу вақтни тежаш ва юкламани камайишига ёрдам беради. Натижада аҳоли вакиллари билан жонли учрашувлар кўпайиши, мулоқот ортисида эришган бўлар эдик.

МЕҲНАТДА УНУМ БЎЛСА, ҲОСИЛГА БАРАКА КИРАДИ

Шўрчи туманининг “Боботоғ” маҳалласида яшовчи Шахноза Ҳасанова томорқасининг икки сотихида ташкил қилинган иссиқхонадан қулупнай етиштириш учун фойдаланмоқда.



Нигина ШОЕВА, журналист.

Унинг таъкидлашича, бир сотих майдонга 750 туپ кўчат экилади. Бир туپ кўчатдан ернинг унумдорлиги, парваришига қараб, 200 граммгача ҳосил олиш мумкин. Демак, бир сотих ердан бир мавсумда ўртача 130-150 килограмм қулупнай олинади. — Қулупнай парвариши ўта нозик юмушлардан бири ҳисобланади, — дейди Шахноза Ҳасанова. — Ҳар бир аэротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли амалга ошириш талаб этилади. Иссиқхонадаги ҳарорат ҳам мейёрида бўлиши муҳим. Бундан ташқари, нав танлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. У ернинг таркиби, унумдорлиги, экиланг ҳудуд иқлим шароитига мос бўлиши керак. Иш устида деҳқонни кузатар эканмиз, бутун меҳри ва эътиборини экинга бериб меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Тонг саҳардан бошланган юмушларини шомга қадар давом эттирар экан, рўзғорига шу орқали кут-барака киришига ишониши шундоқкина кўриниб турарди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Жазо қўллашда чекловлар мавжуд

Қонунчиликка кўра, аёлларга айрим жазоларни қўллаш бўйича чекловлар мавжуд.



Сирожиiddин ЙЎЛДОШЕВ, Китоб тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси:

Хусусан, жиноий жазо тариқасида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан қўлланмайди. Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланмайди. Аёлга нисбатан узоқ муддатга (20 йилдан ортиқ 25 йилдан кўп бўлмаган) ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК — БАРЧАМИЗНИНГ ОҒРИҚЛИ НУҚТАМИЗ

Баъзида жамиятда рўй бераётган айрим ҳолатларни таҳлил қилиб, чуқур ўйга толаман. Аёл ким ўзи? У қайси йўл қўйган камчиликлари учун таҳқирланыпти? Бир умр суяниб яшайман, деган инсонидан мушт ейиш қанчалар оғир мусибат. Наҳотки, бошқа инсонлар каби у ҳам бахтли яшашга ҳақли бўлмаса? Гулдек умрини кимдандир қўқиб, кимдандир ҳимояланиб ўтказиб юбориши биргина аёлнинг эмас, барчамизнинг оғриқли нуқтамиз эмасми, аслида?

Зулайхо КАМОЛХЎЖАЕВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маъсул ходими.

Афсуски, орамизда шундай тақдир эгалари кўплаб топилади. Шунининбатга олган ҳолда яқинларидан қадр топмай, бир неча фарзандини бағрига босиб ҳадик ва қўрқув билан тунни кунга улаётган аёлларни қўлаб-қувватлаш мақсадида қатор ислохотлар олиб боришмоқда. Хусусан, Президентнинг “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонун ҳужжатининг қабул қилиниши натижасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя

қилинишини таъминлаш борасида изчил ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Аниқроқ айтидиган бўлсак, зўравонлик ҳолатларида ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг уч босқичли “оила — маҳалла — туман ва ҳудуд” тамойили асосида янги тизим жорий этилди. Аввало, маҳаллада ижтимоий ходим профилактика инспектори билан биргаликда тазйиқ ҳолати мавжуд бўлган хонадонни ўрганиди ва доимий кузатиб боради. Туман даражасида шифохоналарнинг шошилинч бўлиmlарида “бирламчи кўмак хоналари” ташкил этилди. Бу ерга тазйиқ ва зўравонликка учраган, ўз жонига суиқасд қилган ёки шунга мойиллиги бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари уч суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштирилади. Шошлинч биринчи ёрдам, шу жумладан, рухий, психотерапевтик кўмак кўрсатилади. Шунингдек, юқумли касалликлар мавжудлиги тўғрисида тахлиллар ўтказилади.

Барча харажатлар тўлиқ давлат ҳисобидан қопланади. Вилоятлардаги реабилитация марказларида 6 ойгача бошпана ва чуқур реабилитация хизматлари кўрсатилади. Жумладан, жароҳатлар мавжуд бўлганда ёки хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари шикоятига кўра, шифокор зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатади. Улар овқат ҳамда шахсий гигиена воситалари билан таъминланади ҳамда рухий ҳолатини текшириш учун психиатр кўриги ўтказилади. “Инсон” маркази ижтимоий ходими аёл билан суҳбатлашда ҳамда унинг хоҳишига кўра, психологик хизмат, қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди. Ҳимоя ордерини олишда кўмаклашади. Йўқотилган ҳужжатларни қайта тиклашга амалий кўмак берилади. Касб-хунар ўрганиш истагини билдирган фуқарога ҳудудлардаги моно-марказ ва касб-хунарга ўқитиш марказларида тахлиллар ўтказилади.



Жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишнинг муросасиз муҳитини яратиш керак.

Шу ўринда айтиш ўринлики, республика бўйлаб 192 та туман ҳамда шаҳарда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахслар учун туну кун ишлайдиган “Бирламчи кўмак хоналари” ташкил этилган. Бу қулайликларнинг яратилиши муаммо тўлиқ бартараф бўлди, дегани эмас. Асоратларни даволаш билан бирга, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг ҳам олдини олишга тўғри келади. Бу борада давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур. Жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишнинг муросасиз муҳитини яратиш керак. Қолаверса, мазкур иллатга қарши курашишда жамоатчилик иштирокининг ортиси ҳам бир қанча ижобий натижаларга замин бўлиши мумкин.

ТАХЛИЛ

Тбилисида бўлиб ўтган дзюдо бўйича “Катта дубулға” турнирида ўзбекистонлик **УМАР БОЗОРОВ** олтин медални қўлга киритди.



Боксчиларимиз **БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ** ва Отабек Холматов 5 апрель куни Остонада навбатдаги жангларини ўтказди.



Боксчи қизларимиз Россияда ўтказилган халқаро турнирда 13 та олтин, 6 та кумуш ва 7 та бронза медали билан **БИРИНЧИ ЎРИННИ** эгаллади.

8

№25 | 2025 йил 26 МАРТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

КАСАЛЛИКДАН ҲИМОЯЛАНГАН ЭМАСМИЗ БИРОҚ...

Маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг беш фоизи ўт пуфагида тошлар борлигидан азият чекади. Бу эркакларга қараганда аёлларда икки-уч баравар кўпроқ учрайди.

Ўт пуфаги яллиғланиши, тош йиғилиши, ўт димланиши ва “қурт” пайдо бўлиши каби хасталикларнинг юзага келиши, асосан, овқат ҳазм қилиш тизимидаги муаммолар билан боғлиқдир.

Ўт пуфаги жигар ишлаб чиқарган ўт суюқлигини тўплаб, қуюлтириб, овқат ҳазм қилиш жараёнига ёрдам беради. Аммо овқат ҳазм қилишда муаммолар юзага келганда, ўт пуфагида сафро тўпланиб, тош йиғилиши ва бошқа касалликлар келиб чиқиши мумкин. Организмда тахминан 50-80 мл. ўт ва сафро суюқлиги бор. Агар овқат ҳазм қилишда муаммо бўлмаса, ўт пуфаги ҳам фаол ишлайди.

Шоира БЕКЧАНОВА, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор.

Хасталикни даволагандан кўра олдини олган афзал, дейишади. Ҳеч биримиз ўт пуфаги касалликларидан ҳимояланган эмасмиз. Шундай экан, аввало, тўғри овқатланиш тартибига амал қилишни ўрганайлик. Масалан, майонез, маргарин, сариёғ, ёғли сут маҳсулотлари, ёғли гўшт, бугдой унидан тайёрланган нон кабилар таомномангизда имкон қадар камроқ бўлгани маъқул. Шунингдек, кўп қовурилган, дудланган, консерваланган егуликлар, газли ичимликлар ва аччиқ қаҳванинг ҳам меъёрини унутманг.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

Ўт пуфаги саломатлиги учун энг яхши парҳезбop маҳсулотлар тавсия этилади. Ушбу озиқ-овқатларни иложи борида тез-тез истеъмол қилиш орқали ўт пуфагида тош пайдо бўлиш хавфини камайтириш мумкин. **Биринчидан**, бу зиғир уруғи бўлиб, у ўт пуфагининг нормал ишлаши учун зарур бўлган жуда кўп соғлом ёғларни ўз ичига олади. **Иккинчидан**, авокадо кўплаб муҳим витамин, микроэлемент ва фойдали моддалар, шу жумладан, калийга бой. Калий организмга суюқлик ва электролитлар мувозанатини сақлашга ёрдам беради. **Учинчидан**, фасол, айниқса, рациони ёғ ёки холестеринга бой бўлганлар учун фойдалидир: ўсимлик оксигени қизил гўшт ёки ёғли овқатлар кўп истеъмол қилинганда, деярли муқаррар бўлган ўт пуфаги тошларининг шаклланиши ва кристалланишини олдини олишга ёрдам беради.

Тадқиқотлар С витамини ўт пуфагидаги тошларнинг шаклланишига профилактик таъсир кўрсатишини тасдиқлаган. Апельсинлар аччиқ таъмга эга бўлган бошқа сабзавот ва кўкатлар сингари овқат ҳазм қилиш тизимининг саломатлиги учун жуда фойдалидир. Ўт пуфаги ишлаб чиқарилган сафро миқдорини назорат қилишда ёрдам беради. Гўшт ёки ёғли овқатлар билан бирга сабзавот ва кўкатларни истеъмол қилиш самаралидир.

Магний ўт пуфаги саломатлиги учун зарур бўлган яна бир микроэлементдир. Бу ортқича калцийни олиб ташлашга имкон беради, чунки у тўпланиб, қаттиқлашиб, тошларни ҳосил қилади. Исмамоқ, брокколи таркибида жуда кўп магний бор, аммо қовоқ уруғлари — унинг ҳақиқий манбаи. Сув эса организмдан зардани чиқариб ташлайди, тузланган қарам ичкадаги фойдали бактерияларни етарли миқдорда сақлашга ёрдам беради.

Ичаклар қанчалик соғлом бўлса, ўт пуфагидаги юк шунчалик кам бўлади. Кўпроқ сархил мева ва сабзавотлар, барра кўкатлар, ёғсиз сут-қатиқ, творог, турли ёрмалар, балиқ ва денгиз маҳсулотлари, ёғсиз гўшт истеъмол қилиш фойдали. Агар ўт пуфаги парҳезида бўлсангиз, луқмани оз-оздан ва яхшилаб чайнаб ейишга ҳаракат қилинг. Тўйиб овқатланишдан сақланинг. Шифокор тавсиясига кўра, ўт-сафро ҳайдовчи дамламалардан ичиб турсангиз ҳам бўлади.



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Аҳмад ОХУНБОЕВ. Китоб тумани:

— Ўтган йили нақд пулим нисобга етиб, закот бергандим. Бироқ ўша пуллар ҳамон ишлатилмай турибди. Бу йил ҳам ўша пулларга закот берсам бўладими?

ЗАКОТИ БЕРИЛГАН ПУЛ ИШЛАТИЛМАСА, УНГА ЯНА ЗАКОТ БЕРИЛАДИМИ?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Нақд пуллар агар нисобга етиб, бир йил тўлса, улардан закот берилмади. Ўтган йили закоти берилгани ёки ушбу пулларнинг ишлатилмаётганининг аҳамияти йўқ.

Лекин ўтган йили нисобга етиб закоти чиқарилган пул бу йил нисобга етмаса, бу ҳолда закот берилмайди. Масалан, бир кишининг ўтган йили 50 миллион сўм пули бор ва 2024 йилги нисоб миқдори 40 миллион сўм бўлгани учун у закот берган эди. Бу йил унинг пуллари кўпаймасдан шу миқдорда қолган бўлса, энди закот бермайди. Чунки унинг пуллари бу йилги нисоб миқдори (61 200 000)дан кам бўлиб қолди.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Баҳорги беҳолликка қарши туриш ва қувват захирасини тўлдириш учун 5 та тавсия билан бўлишамиз.

Баҳорги беҳоллик безовта қиляптими?

Рационингизга кўпроқ мева ва сабзавотларни қўшинг! Қулулнай ёки гилос орқали С витамини захирасини тўлдириб олиш мумкин. С витамини иммун тизимни, тери ва сочларга яхши таъсир қилади.

Витаминлар курси ёрдамида иммунитетингизни кучайтиринг! Баҳорий беҳолликка қарши курашда D ва С витаминлари асосий қурулдири. D витамини суяклар ва тишларни соғломлаштириб, кальцийнинг организмда сўрилишига хизмат қилади.

Очиқ ҳавода кўпроқ бўлинг! Очиқ ҳавода ярим соат спорт билан шуғулланиш мияда қон айланишини яхшилайдиган ва стрессни йўқотадиган. Бундан ташқари, тоза ҳаво уйку сифатини яхшилаб, иммун тизимини мустаҳкамлайди.

Жисмонан фаол бўлинг! Ҳаво ёмон бўлганда ҳам ҳаракатда бўлишда давом этинг. Жисмоний фаоллик фақат юриш ёки югуриш эмас, спорт билан доимий шуғулланиш керак.

Имкон қадар яқинларингиз билан вақт ўтказинг! Аксари-ят ҳолларда беҳолликка витаминлар етишмовчилиги сабаб бўлса-да, руҳий саломатлиқни ҳам унутмаслик керак. Яқинлар билан вақт ўтказиш бахт гормони ишлаб чиқарилишини кучайтиради ва стрессга қарши яхши самара беради.

СУЗИШ соғлиқ учун самарали “дори”дир



БАДАНТАРБИЯ



Сузиш, бу — деярли ҳамма учун мос бўлган универсал спорт турларидан бири. Кексалар, ёшлар, мунтазам жисмоний фаол бўлган ва эндигина шуғулланишни бошлаётганлар, шунингдек, соғлиғида муаммолар бўлган инсонлар учун у бирдек фойдалидир.

Асосийси, сузиш мушаклар кучи ва тонусини оширади. Масалан, югуришдан фарқли ўларок, сузаётганда мушакларимиз кўпроқ қаршилиқни енгади, чунки сув ҳаводан анча зичроқдир. Бу машғулотда барча мушакларимиз ишга тушади ва жуда кўп жисмоний ҳаракатни бажаради. Сузиш пайтида бўғинлардаги юк камаяди. Югуриш ёки тренажор залида машқ қилганда тизза бўғимлари ва тўпикларга катта юк тушаётганини ҳис қиласиз, сузганда эса сувдаги вазнсизлик таъсири туфайли бундай юк бўлмайди.

Болалар сузишни ёшлигидан бошлагани афзал. Уларни бир ёшга тўлгунга қадар сузишга ўргатса ҳам бўлади. Чунки чақалоқлар сувга жуда яхши мослашади ва тезда сузишни бошлайдилар. Маълум бўлишича, сузиш билан шуғулланадиган болалар кучлироқ, шамоллашга мойиллиги паст, ҳаракатлар координацияси яхшироқ ва мушаклари кучли бўлади, улар тезроқ ривожланади.

Қон босимини пасайтиради. Сузиш остеохондрознинг олдини олади ва бошқа умуртқа поғона касалликларининг ривожланиш хавфини камайтиради. Шунингдек, бу машғулот нафас олиш тизимини мустаҳкамлайди ва юрак-қон томир тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Сув тананинг бутун юзасига босим ўтказиши ҳисобига юракка ке-

ладиган қон оқими ошади, бу эса юрак-қон томир тизими касалликларига профилактик таъсир кўрсатади, қондаги холестеринни ва қон босимини пасайтиради.

Ортиқча вазн билан курашаётганлар учун жуда фойдали. Ахир, бундай машғулотлар пайтида кўп миқдорда калория ёқилади. Маълум бўлишича, ярим соатлик сузиш тренажор залидаги бир соатлик машғулотга тенг.

Сузиш стрессга қарши кучли “дори”дир. Гап шундаки, инсон организм 80 фоиз сувдан иборат, шунинг учун сув муҳити биз учун қулай ва сузишдан катта завқ оламиз.

Бироқ, сузиш мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд, улар: оғир юрак патологияси, неврологик касалликлар, тери инфекциялари ва ўткир хасталиклар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 9 200 нускада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.